

Комплаенс-назорат департаменти

Методология бошқармасида

2021 йил “24” феврал да

449 - сон билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Бошқарувининг

2021 йил “24” феврал даги

449/5 - сонли қарорига

1 - сонли Илова



“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг вазирлик ва идоралар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш

ТАРТИБИ

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (бундан буён матнда – Банк деб юритилади)нинг вазирлик ва идоралар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш Тартиби (бундан буён матнда – Тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлари, коррупцияга қарши курашишга доир бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб Банкнинг коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби ва қоидаларини белгилайди.

3. Банкнинг мазкур Тартиб доирасида вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилишдаги асосий вазифалари:

хар қандай шакл ва кўринишдаги коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатда бўлишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларида иштирок этиш;

Банк ходимларини коррупцияга аралashiш хавфини камайтириш;

Банк нуфузини сақлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида коррупцияга олиб келадиган омиллар, шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда коррупцияга қарши курашишда очиклик ва шаффофликни таъминлаш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш.

4. Банк вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилишда:

тренинглар, семинарлар, давра суҳбатлари (шу жумладан замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда масофавий онлайн курслар, вебинарлар) ўтказиш орқали Банк ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий онгини янада ошириш ҳамда коррупцияга қарши мурасиз муносабатини шакллантириши;

ўзаро ахборот алмашиш, маслаҳат олиш ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши;

коррупцияга қарши курашишда ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича меморандум ёки тартиблар имзолаши;

қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда коррупция ёки манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига аниқлик киритиш, олдини олиш бўйича сўровлар юбориши;

зарур ҳолларда, бошқа вазирлик ва идораларнинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш бўйича сўровларига қонун ҳужжатлари талаблари доирасида жавоб бериши мумкин.

5. Банк томонидан ходимларнинг лавозим вазифаларини бажаришда коррупцияга оид жиноят ёки ҳуқуқбузарлик аломатлари борлиги тўғрисида аниқ фактлар ёки далиллар аниқланган тақдирда ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилади.

6. Банкнинг барча таркибий бўлинмалари ва филиаллари томонидан коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш юзасидан барча турдаги маълумот алмашинуви Комплаенс-назорат департаменти билан келишилган ҳолда махфийлик, банк ва бошқа сирлар билан ишлаш қоидаларига тўлиқ риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7. Мазкур Тартиб талабларига риоя қилмаган ёки лозим даражада риоя қилмаган Банк ходимлари амалдаги қонунчиликка биноан жавобгарликка тортилади.